



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 декабрь, № 260 (9155)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК, ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрига келди.



Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Хожамират Гелдимирадов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ашхобод шаҳрига келгач, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисини тарихий сана — доимий бетарафликнинг ўттиз йиллиги билан самимий табриклади ҳамда ушбу муҳим воқеага бағишлаб эртага ўтказиладиган халқаро форум ишига муваффақиятлар тилади.

Суҳбат давомида Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини, биринчи навбатда, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда янада кенгайти-

ришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти ва қардош халқнинг мамлакат бетарафлиги эълон қилинганининг 30 йиллиги, ушбу муҳим санага бағишланган халқаро форум юқори савияда ташкил этилгани ҳамда 2025 йил “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилингани билан самимий табриклади.

Туркменистон Президентининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклигини янада

кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб бир миллиард долларга етди. “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юк ташиш ҳажми 30 фоизга ошди, жумладан, Туркманбоши порти орқали етказиб бериш фаоллашди. Гуманитар ва ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши ва Ҳудудлар форумининг бўлажак ййгилишларида савдо ҳажмини кarrасига ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали илгари суриш бўйича таъсирчан чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПАРАГВАЙ ЎРТАСИДАГИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья 11 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Олий мартабали меҳмонни “Тошкент-Ҳумо” халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Қўчқоров ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Қўқсарой қароргоҳида Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пеньяни кутиб олиш маросими бўлди. Шу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Парагвай ўртасидаги амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Парагвай раҳбарини самимий қутлар экан, Лотин Америкаси давлати Президенти томонидан Ўзбекистонга ilk бор амалга оширилаётган ушбу ташриф тарихий аҳамиятга эга эканини қайд этди. Мазкур самит икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб бериши таъкидланди.

Музокараларда икки томонлама ҳамкорлиқни, жумладан, савдо-иқти-

содиёт, маданий-гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда кенгайтиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Ўзаро савдони кўпайтириш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, рақамлаштириш, туризм ҳамда спорт соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва ўзаро манфаатли соҳаларда амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга тайёриликни тасдиқладилар.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья Қўшма баёнотни имзоладилар.

Шунингдек, етакчилар ҳузурда Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши доирасида бозорга кириш масалалари бўйича икки томонлама музокаралар

яқунлангани тўғрисидаги баённома ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашув механизмининг йўлга қўйиш тўғрисида ўзаро англашув меморандумини имзолаш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон билан Парагвай ўртасида олий даражадаги музокаралар яқунлангач, Қўқсарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда шерикчиликни мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишга ўзаро қатъий интилишнинг рамзи сифатида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сантьяго Пенья биргаликда Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экидилар.

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пеньянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

З. ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “БМТ-аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Белен Санс Луке билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг “БМТ-аёллар” тузилмаси билан ҳамкорлиги, шунингдек, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича кейинги қадамлар муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Хусусан, барча соҳада гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган тизимли ишлар муҳокама қилинди. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам аёллар фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлашда фаол бўлган ташкилот ва идораларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув чоғида шерикликни мустаҳкамлаш ва қўшма лойиҳаларни кенгайтиришда муҳим қадам бўлган Тошкент шаҳрида “БМТ-аёллар” тузилмаси офисининг очилишига юқори баҳо берилди.

БМТ Хотин-қизлар мақоми бўйича комиссиясининг 70-сессиясида иштирок этиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотида ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув якунида томонлар шерикликни янада мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни ривожлантиришга қаратилган қўшма ташаббусларни амалга оширишга содиқлигини билдирди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

«Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти»:

БУГУНГИ СИЁСАТИМИЗНИНГ ИЖОБИЙ БАҲОСИ

Пойтахтимизда покистонлик адиб ва журналист Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирликлар, идоралар, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, Покис-

тон Ислон Республикаси Президентининг Матбуот котиби ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси Муртазо Соланги, Покистон Ислон Республикаси Бош вазирининг савдо ва саноат масалалари бўйича координатори Рана Ихсаан

Афзал Хон ҳамда бошқа юқори мартабали шахслар, шунингдек, журналилар, ижодкорлар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайридин Султонов иштирокчилар, хусусан, покистонлик меҳмонларни қутлаб, икки давлат орасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини эътироф этди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ —

ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди. Депутатлар кун тартибидagi эшитувларнинг долзарблигига эътибор қаратиб, ҳар бир йўналиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдириб ўтишди.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда қандай қулайликлар яратилмоқда?

Мажлисида Адлия вазирини А. Тошқуловнинг “Давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий ҳолатлар келиб чиқилишининг олдини олиш ҳамда аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшмача қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳада бюрократик тўсиқларни қисқартириш, давлат идоралари фаолиятини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали инсон омилни камайтириш ҳамда шаффофликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республика-мизнинг 208 та туман ва шаҳарида давлат хизматлари марказлари, шунингдек, 138 та олис ва тоғли ҳудуд-

даги филиаллари фаолият юритмоқда. Давлат хизматлари марказлари хизматларидан фойдаланиш даражаси йилдан-йилга ўсиб борапти. Жумладан, бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 770 дан ортиқ, давлат хизматлари марказлари орқали эса 500 дан зиёд хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Айни вақтда кунига ўрта ҳисобда 100 мингга яқин фуқаролар мазкур марказларга мурожаат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ушбу марказлар томонидан 19,7 миллиондан зиёд хизматлар кўрсатилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан хизматлар сони 3,5 миллионга ошган.



Ишонч ва шерикликни мустаҳкамлаш:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Ашхободда амалий ташриф билан келди. Давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг доимий бетарафлик эълон қилинганининг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик куни ҳамда 2025 йилни “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинганига бағишланган халқаро форумда иштирок этади.

Ҳамжиҳатлик

Ушбу муҳим тадбир давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш, профилактик дипломатия соҳасида тажриба алмашиш учун изланувчан платформа яратди.

Форум БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси резолюцияси билан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йилининг кульминацион воқеасидир. Туркменистон томонидан 86 давлат ҳаммуаллифлигида тайёрланган ушбу ташаббус сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ишончли илгари суриш, глобал тинчлик ва тотувлик ма-шаваридаги шакллантиришга хизмат қилди.

Шу йил январь ойида

имзоланган Туркменистон фаолияти концепциясида “Тинчлик ва ишонч йили”га “Мулоқот — тинчлик гарови” янги халқаро муносабатлар фалсафасини амалга ошириш учун амалий майдон сифатида қаралмоқда. Тинчлик ва мулоқот маданиятини илгари суриш, халқаро муносабатларда бетарафлик ролини кучайтириш, превентив дипломатия ва воситачиликни ривожлантириш, давлатлар ўртасида ишончнинг янги механизmlарини яратиш, тинчлик ва ўзаро ишончсиз барқарор ривожланиш мумкин эмаслиги тўғрисида глобал тушунчани шакллантириш Халқаро тинчлик ва ишонч йилининг асосий максadлари этиб белгиланди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ



«Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти»:

БУГУНГИ СИЁСАТИМИЗНИНГ ИЖОБИЙ БАҲОСИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси хорижлик экспертлар томонидан ижобий баҳоланаётгани, жумладан, “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китоби бугунги сиёсатимизни чуқур таҳлил қилиб бергани билан алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлади.

— Мазкур асар юртимиздаги ислохотлар ҳақида атрофлича тасаввур беради, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти бўлим бошлиғи Алишер Азимов. — Президентимиз томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс ғоясининг моҳияти умуминсоний тараққиётга қаратилган очик, маърифий ва инсон қадрини устувор қўйган сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Китоб муаллифи бу ғоянинг

илдизларини ўтмиш мероси, айниқса, аждодаларимиз қолдирган улкан маънавий бойлик билан уйғун ҳолда талқин қилгани кўпчилик иштирокчиларда чуқур ҳурмат уйғотди.

Китоб тақдимида билдирилган фикрлар, Покистон расмий вакиллари томонидан баён этилган самимий муносабатлар шуни яна бир бор англатдики, Ўзбекистондаги янги ислохотлар халқаро майдонда ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан кузатилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов иштирок этди.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

МАМЛАКАТИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ АСАР

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган тарихий ислохотлар, очиклик ва янгилишни сиёсати халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. Бу ўзгаришлар юртимиздаги ички жараёнларга чуқур таъсир кўрсатиб, чет эл жамоатчилиги нигоҳида унинг янги қиёфасини шакллантирмоқда.

Покистонлик журналист ва ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китоби ҳам мамлакатимиздаги янгилишни жараёнлари, стратегик мақсадлари ва миллий ривожланиш ғояларига бағишланган муҳим асарлардан биридир.

Акс садо

Президентимиз томонидан илгари сурилган учинчи Ренессанс ғояси ва амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг мазмун-моҳиятига бағишланган ушбу асар нафақат тадқиқотчилар, балки кўплаб сиёсатчилар, экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлди.

Куни кеча Алишер Навоий номидидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур китобнинг ўзбек тилидаги наشري тақдимида иштирок этди, Янги Ўзбекистон феноменининг фалсафий қиёфасини янада ёрқинроқ очиб берган бу асарнинг маъно-моҳиятини янада чуқурроқ англаш имкониятига эга бўлди.

Умуман, ушбу тадбир жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги ислохотларига ташқи эксперт нуқтаи назаридан берилган объектив, пухта таҳлиллار билан бойитилган бу асарнинг ўзбек тилида учинчи этилиши — халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун ниҳоятда қимматли манба бўлди, дейиш мумкин.

Асарда жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби Шавкат Мирзиёев илгари сурган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси инсониятни ҳамкорликка чорловчи, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга таянадиган йирик ўзгаришлар дастури сифатида талқин этилади. Китобга сўзбошини Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф ёзгани эса давлатларимиз раҳбарлари ва халқларимиз ўртасидаги ишонч ва яқин дўстликнинг ёрқин рамзидир.

Китобни мутлолаа қилар эканмиз, муаллиф учинчи Ренессанснинг урта асосий тамойили — низолар ўрнига ҳамкорлик, жаҳолат ўрнига илм, адоват ўрнига ишонч билан изоҳлаганига амин бўламиз. Бугунги кескин геосиёсий вазият, урушлар, терроризм, иқлим инқирози фониди бу ёндашув фақат Ўзбекистон учун эмас, бутун минтақа ва глобал ҳамжамият учун долзарб аҳамиятга эга эканлиги айни ҳақиқат. Юртимиз ташқи сиёсатида яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, чегара ва сув масалаларини музокара йўли билан ҳал қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар айнан шу тамойилларнинг амалдаги ифодасидир.

Учинчи Ренессанс ғоясининг яна бир муҳим тамойили — илм ва маърифат, муаллиф таъкидлаганидек, бугунги ислохотларимизнинг марказида турган энг устувор масала эканлиги чуқур мазмунга эга. Янги Ўзбекистонда билим фақат

лаборатория ёки технологик ютуқ эмас, балки инсоннинг дунёқараши, танқидий фикрлаши, масъулиятли қарор қабул қилиш маданиятидир. Мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялаш, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга қаратилган қарорлар айнан шу глобал ғоянинг амалий кўрinishи сифатида намойён бўлмоқда.

Учинчи тамойил — адоват ўрнига ишонч — бугунги дунёда энг камёб, лекин энг зарур капиталдир. Китобда ишонч фақат дипломатик муносабатлар даражасида эмас, давлат билан фуқаролар, турли миллат ва конфессиялар, жамият ва ҳокимият ўртасидаги мулоқот сифатида талқин этилади. Юртимизда очиқ мулоқотлар, халқ қабулхоналари, парламент ешитувлари, жамоатчилик муҳокамалари, коррупцияга қарши очиқ платформалар ва билимнинг барчаси ишончни кучайтиришга хизмат қилаётганини асар руҳида яна бир бор ҳис этамиз.

Муаллиф фикрича, учинчи Ренессанс — бу фақат тарихий “уйғониш” эмас, балки келажакни барпо қилишга қаратилган глобал стратегия. Унда ҳамкорлик, билим ва ишонч уйғунлиги фаровон ва хавфсиз дунё қуришининг асосий шарти сифатида кўрилади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур асар ўзига хос мурожаатнома — нафақат Ўзбекистон жамоатчилигига, балки кенг халқаро ҳамжамиятга қаратилган қақирқидир. У бизни тарихни девор эмас, балки халқларни боғлайдиган кўприк сифатида кўришга, келажакни рақобат майдони эмас, ҳамкорлик майдони сифатида тасаввур қилишга ундайди.

Айтиш мумкинки, мазкур китобнинг ўзбек тилида нашр этилгани мамлакатимизда бу ғояларни янада кенгроқ муҳокама этиш, учинчи Ренессанс концепциясини нафақат сиёсий доиралар, балки кенг жамоатчилик оғидида чуқурроқ англашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ишончимиз комилки, мазкур асар таҳлилчилар, олимлар учун янги илм ва мулоҳазалар манба бўлади. Энг муҳими, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар янада ривожланишига хизмат қилади. Бундай тадбирлар эса билим алмашиш, фикрлар мулоқотини кучайтириш учун ғоятда самарали бўлиб, жамиятда илм, маърифат ва маданият янада юксалишига замин яратади.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Муносабат

5 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларининг қурилишини бошлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этган хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда яратилган сармоявий муҳит ҳамда энергетика соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга берган юксак баҳосидан қалбим қувонча тўлди. Айниқса, маросимда сўзга чиққан Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси

Муҳаммад Абдулла Абунаян давлатимиз раҳбарининг бу жараёнлардаги етакчилик ролини самимий эътироф этди: “Сиз амалга ошираётган ишлар, уларнинг натижалари билан мукддас Ўзбекистон заминида яшаётган бутун халқ фахрланиши керак. Чунки ҳамма раҳбарлар ҳам, ҳамма давлатлар ҳам бундай натижаларни таъминлашга, бундай чуқур ислохотларни амалга оширишга қодир эмас”.

Хорижлик инвесторнинг бу эътирофи қисқа даврда энергетика соҳасида юз берган ва бераётган ўзгаришлар ҳақида ёзишга ундади.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ»

Дарҳақиқат, саккиз йил муқаддам Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистон тарихида янги, том маънода, инқилобий давр бошланди. Бу давр “Янги Ўзбекистон” номи билан дунёга танилди ва унинг тараққиёти шу қадар шиддатли ва чуқурки, буни англаш учун стратег бўлиш шарт эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам ўзининг янги қиёфаси ва салоҳияти билан ҳайратга солмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичига айланган энергетика соҳасида улкан қадамлар қўйилди.



давлат томонидан қаттиқ назорат қилинарди. Бундай шaroитда йирик инфратузилмавий лойиҳалар учун хорижий ҳамкорларни жалб этиш, уларга қулай шартлар тақдир қилиш мушкул эди. Инвесторлар беш билан ишлашдан қўчиган. Эндиликда Президентимизнинг ўзи қайта тикланувчи энергия манбаларига маблағ тикаётган тадбиркорларни рағбатлантирмоқда. Ўзбекистонда фотоэлектр ва гидрoэлектр станциялари, шамол генераторларини қуриш учун солиқ имтиёзлари берилди. Шу боис мазкур йўналишда эълон қилинган тендер танловларида доим ўнлаб хорижий компаниялар иштирок этиш истагини билдираётгани бежиз эмас.

Тадбиркор Муҳаммад Абунаян давлатимиз раҳбарига мурожаат қилар экан, “Президент Жаҳоний Ойиллари, бутун дунё сиздан инвесторлар билан ишлашни ва инвестицияларни жалб қилишни ўрганиш керак. Бу нафақат энергетика соҳасидаги лойиҳаларга, балки барча тармоқларга, мамлакатлар иқтисодиётининг бошқа соҳаларига тааллуқлидир” деганида минг бора ҳақ эди. Нега? Гап шундаки, электр энергия таъминоти дунё миқёсида долзарб. Халқаро энергетика агентлигининг маълумотига кўра, ҳозирги кунда жаҳонда 1,3 миллиардга яқин аҳоли электр энергия билан таъминланмаган. 2,6 млрд. одам овқат тайёрлаш учун аънавий ёқилғи — ўтин, кўмир ва бошқалардан фойдаланади. 2035 йилга қадар жаҳонда энергияга бўлган талаб яна 35 фоизга ошиши тахмин қилинмоқда.

Эътиборлиси, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари қаторида биринчи бўлиб “яшил” энергияга ўтиш ҳаракати қўшилди. Моҳиятан олиб қараганда, олти йил аввал қабул қилинган “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси юртимизнинг “яшил тараққиёт” сари юз бурганини англатади. Кези келганда айтмоқчимизки, 2030 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етакшиз режа қилинган. Бу каби хайрли мақсадларга эришишимиз

га шубҳа йўқ. Зеро, Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Туркиянинг “AKSA”, “Cengiz Enerji”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar”, Хитойнинг “China Energy”, “Datang”, “Sinoma”, “Poly”, “CNTIC”, “Eagle Ray”, Франциянинг “EDF”, “Volitalia”, “Total Energies”, Германиянинг “Siemens Energy”, Қатарнинг “Nebras” компаниялари мамлакатимизда йирик қуёш ва шамол электр станциялари лойиҳаларини амалга ошираётгани натижасида сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилди. Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 млрд. киловатт-соатдан жорий йилда 85 млрд. киловатт-соатга етди. Салкам 5 минг мегаваттли қуёш ва шамол, 400 мегаваттли гидроэлектр станциялари ишга туширилди.

Бу йил жами генерация қувватларидаги улуши 30 фоизга етказилиши мўлжалланаётган “яшил” энергия ишлаб чиқарилишида хусусий сектор ҳам иштирок этмоқда. Аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида 2 минг мегаваттлик кичик қуёш панеллари ўрнатилган. Уларда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 2 млрд. киловатт-соатга яқин муқоабил энергия ишлаб чиқарилди. Шу-нингдек, ҳудудларда 69 минг километр электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланилиш подстанциялар янгиланди. Шу маънода, ўтган ҳафта ишга туширилган ва йилига 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган “Ангрен энерго” ҳамда 155 та гидроагрегат тайёрлаб берадиган “Uzhydrowater” корхоналари катта истиқболга эга.

Ҳисоб-китобларга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб ҳозирги 83 миллиарддан 120 млрд. киловатт-соатга ўсиши кутилмоқда. Бунини биринчи галда, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қоплаш режалаштирилган. Бунинг эвазига Ўзбекистон энергия мустақил-

лигига эришибгина қолмай, ортганини Европага ҳам экспорт қилишни бошлайди. Демак, Ўзбекистоннинг қуввати, энергияси ўсиб борапти. Ва бу энергия манбаи, Муҳаммад Абунаян таъкидлаганидек, Президент Мирзиёев. Чунки энергетика соҳасидаги ўзгаришлар айнан давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган ислохотлари, стратегик қарашлари, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган буюк ғоялар ва амалий қадамлар ҳар бир соҳага, ҳар бир инсонга қувват бағишлаб, улкан ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Президентимиз нафақат сиёсий етакчи, балки бутун халқ учун илҳом манбаи, эришилган ютуқларнинг ёрқин тимсолидир. Давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси ва келажакка бўлган ишончи ҳар бир фуқарони ўз олдига катта мақсадлар қўйишга, Ватан равнақи йўлида жонқуярлик билан меҳнат қилишга ундамоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонни қамраб олган янгиланишлар тўққини, замонавий билимлар ва технологияларга интилиш, очиклик ва эркинлик руҳи — буларнинг барчаси Президентимиздан таралаётган мана шу энергия тўғриси.

Аслида, электр тақчиллигининг асл сабабларини тугатиш — мураккаб техник инфрақурилма, эскирган станцияларни янгилаш, инвестиция етишмаслиги, самарасиз бошқарув каби муаммоларни бартараф этишнинг ўзи бўлмайди. Янги электр станциялари қуриш, мавжудларини модернизация қилиш, қуёш ва шамол энергетикасига ўтиш, энергия портфелини диверсификациялаш орқали хавфни камайтириш, халқаро шерикларни жалб этиш, стратегик лойиҳалар учун кредитлар ва грантлар, технологиялар ҳамда билим алмашинувини йўлга қўйиш, тармоқ бошқарувини ислох қилиш, қишлоқ ва олис ҳудудларни электрификация қилиш давлат раҳбаридан тинимсиз изланишни, чексиз энергияни талаб этарди.

Бугун электр таъминотида узилишлар кескин камайди, кичик ва ўрта бизнесга қулай муҳит яратилди. Уқув ва тиббийёт муассасалари ишининг изчиллиги яхшиланди, болаларнинг таълими ва беморлар учун хизматлар сифати ошди. Президентимиз раҳбарлигида энергетика соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва киритилган инвестициялар халқ ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Президентимизнинг илҳомлантирувчи фаолияти Янги Ўзбекистон учун нафақат сиёсий йўналиш, балки янги ҳаёт энергиясидир. Бу энергия мамлакатни янада юксак чўққиларга етаклаб, халқнинг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга хизмат қилади.

Садритдин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

Қўбиз ва ўтов – ЮНЕСКО рўйхатида!

Қорақалпоқ халқининг асрлар оша етиб келган ноёб маданий меросини асраб-авайлаш, уни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида миллий мусика маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган қўбиз ясаш аънавалари ва жировчилик санъатини замонавий ва илмий-амалий асосларда ривожлантириш, ёш авлод онгига чуқур сингдириш, халқаро миқёсда оммалаштириш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб берилган эди.

Эътироф

Ушбу вазифани кенг татбиқ этиш мақсадида Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева раҳбарлигида йўлга қўйилган тизимли ва амалий ишлар бугун ўзининг натижасини яққол кўрсатди.

Шу кунларда, яъни 8 — 13 декабрь кунлари Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг 20-сессияси бўлиб ўтмоқда. Мазкур сессияда Ўзбекистон Республикасидан тақдим этилган “Қўбиз ва жиров ижрочиликлари санъати” (миллий) номзоди ЮНЕСКОнинг худлик билан муҳофазага олиниши лозим бўлган

номоддий маданий мерос элементлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги қарори бир овоздан қабул қилинди.

Қўбиз ва жиров ижрочиликлари санъатининг ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши унинг тарихий, маънавий ва маданий қадрият сифатидаги ўрнининг халқаро миқёсдаги эътирофи ҳисобланади.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитанинг 20-сессияси Қорақалпоғистон халқи учун муҳим воқеаларга бой бўлди. Қорақалпоқ ўтовини ҳам ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига расман киритилди.

Таъкидлаш жоизки, “Қора уй” — қорақалпоқ халқининг бунёдкорлик маданияти, уй-жой қурилиши ва меъморчилик билимлари жамланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий меросидир. “Қора уй” 6, 8, 12 қанотли бўлиб, бошқа халқлар ўтовларидан ажралиб туради.

Қорақалпоғистоннинг иккита бетакрор маданий қадрияти — қўбиз ва ўтов ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Жанубий Кореянинг «Hyundai Rotem» компанияси Ўзбекистон учун ишлаб чиқарилган юқори тезликдаги поездларнинг биринчи партиясини жўнатди.

Натижага асосланган бошқарув тизими жорий этилади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан анжуман ўтказилди. Унда агентликнинг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда жамоатчилик фаоллари қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқарувини замонавий ва самарали механизмлар асосида ташкил этиш, кадрларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янги bosқичга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараённинг мантиқий давоми сифатида шу йил 6 декабрь куни Президентимизнинг "Давлат хизматигада бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Анжуманда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва амалиётга таътиб этиш механизмлари ҳақида маълумот берилди.

— Фармон асосида давлат идораларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, кадрлар билан ишлашда шаффоф ва очиқ механизмларни йўлга қўйиш — муассасамиз зиммасига юкланган энг устувор вазифалардан, — дейди агентлик департаменти мудир Илхом Курбонов.

Хўжаатта мурофиқ, 2026 йил 1 январдан бошлаб "Янги Ўзбекистон қўёғасидаги туман (шаҳар)" макомига эга 33 та туман ва шаҳарда тажриба сифатида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этилади. Энди давлат органларининг мақсадли кўрсаткичлари махсус индикаторлар асосида шакллантирилиб, уларнинг баҳариллиши "samaradorlik.gov.uz" элект-

рон платформасида баҳоланади.

Шу билан бирга, агентлик тизимли менежмент, стратегик режалаштириш, лойиҳавий ёндашув ва замонавий HR моделларини давлат бошқарувида bosқичма-bosқич интеграция қилиб бормоқда. Бу жараён орқали ҳар бир давлат органининг вазифа-функциялари аниқ белгилаб берилади, кесимиша вазифаларнинг олди олинади, "ўсиш нукталари" аниқланади.

2026 йилдан бошлаб "Янги Ўзбекистон қўёғасидаги туман (шаҳар)"ларда кадрлар ротацияси тизими йўлга қўйилади. Унга кўра туман (шаҳар) хокимлари, уларнинг ўринбосарлари ва давлат органлари маҳаллий бўлишма раҳбарлари ҳар 5 йилда бошқа ҳудудга ротация қилиниши белгиланган. Ротация жараёни "hgm.gov.uz" электрон платформаси орқали амалга оширилади.

Келгуси йилдан давлат органларида ходимларнинг коррупцияга қарши барқарорлик даражаси махсус диагностикадан ўтказилади. Коррупциявий хавф даражаси юқори бўлган лавозимларда фаолият юритувчи ходимлар мажбурий тарзда баҳоланиб, "паст" натижа олганлар ушбу лавозимда меҳнат фаолиятини давом эттира олмайди. Бу жараён давлат натижаси холис, пок ва самарали ташкил қилишга қаратилгани таъкидланди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Улуғбек РЎЗИМТОВ («Халқ сўзи»).

ҲАЁТИ – ИБРАТ, ЎГИТИ – БЕБАҲО САБОҚ

Нуронийлар — юрт фахри. Ватанимиз тарихи, тараққиётимизнинг турли bosқичларида фидокорона меҳнат қилган ва бугун кексалик гаштини суратган чоғида ҳам ижтимоий ҳаётдан узоқлашмай ўзининг бой тажрибаси билан ёшлар тарбиясида фаоллик кўрсатаётган отахон ва онахонларимизни ҳар қанча эъзозласак, бошимизга кўтарсак арзийди. Шу жиҳатдан олганда, уларни қадрлаш, турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар айни йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг тасдиғи бўла олади.

Эхтиром

— Вилоятимизда 272 мингдан зиёд кекса авлод вакиллари истикомат қилади, — дейди Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси, сенатор Икромхон Нажмидинов. — Улар асосий кўпчилигининг келажақ авлод тарбиясидаги ўрни ҳар жабҳада яққол сезилиб туради. Жойларда ташкил этилаётган "Уч авлод учрашуви" ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларда келажагимиз эгаларига Ватанга садоқат, оила мустаҳкамлиги, маҳалла ҳаётида фаоллик тўғрисидаги тобора чуқурроқ сингдириллаётди.

Кўпни кўрган авлод вакилларининг эса кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга жавобан амалий ҳаракатлари, хусусан, дунёда ягона ҳисобланган маҳалла институтини фаолиятидаги иштироки эътиборга молик. Айниқса, "Бир нуроний — ўн ёшга масъул" лойиҳаси доирасида фол кексаларнинг келажагимиз эгаларига бош қилиб қўйилиши ўз самарасини бермоқда. Наманганда ушбу номдаги кўрик-танловнинг республика bosқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва бача вилоятлардан сараланган фаол нуронийлар иштирок этди. Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган ушбу тамойил асосида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар танлов иштирокчилари томонидан кўргазмали тарзда кўрсатиб берилди.

Яқунда Наманган вилояти шарофатини муносиб ҳимоя қилган Уйчи туманидаги "Бог'қўча" маҳалла фуқаролар йиғинининг кексалар маслаҳати гуруҳи раҳбари, фахрий педагог Саида Убайдуллаева биринчи ўринни эгаллади. Кейинги фахрли ўринларга Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятлари вакиллари сазовор бўлишди. Фолибларга жамғарма дипломи ва пул мукофоти ваучерлари топширилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).



қуриш ва улар реконструкцияси бўйича 197,3 км. узунликдаги очик, 100,02 км. ёпиқ горизонтал коллектор-дренаж тармоқларида, 19 та гидротехника иншоотида ҳамда 46 та қузатув қудуғида он-лайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилган. Бундан ташқари, 4 944 км. узунликдаги каналларни тозалаш, 5 264 дона гидротехника иншоотини ва 5 091 та гидросистини таъмирлаш ишлари бажарилган. Насос станцияларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги 157 та насос агрегати ҳамда 166 та электродвигатель янгисига алмаштирилган.

Вазир қайд этишича, соҳада энергиядан оқилона фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида насос станцияларига 165 та конденсатор, 135 та частота ўзгартирувчи қурилма, 752 киловатт-соат қуёш панеллари ҳамда 27 та қуёш сув иситкичи ўрнатилган. Натижада, жорий йилнинг ўтган даврида насос станциялари ва тик қудуқларни ишлатиш учун тасдиқланган лимитга нисбатан 137,8 млн. киловатт-соат электр энергияси тежалишига эришилган.

Худудларда 2025 йилнинг ўтган даврида жами 817,2 минг гектар ер майдонида сувни тежайдиган

“ақлли” ҳисоблагичларнинг ярмидан кўпи ахборот тизимига уланмаганини айтиди. Шунингдек, айрим хусусий шериклар томонидан электр энергиясини тежаш эвазига даромад олиш, аҳоли ва фермерларга сув етказиб беришда узилишлар юзага келаётгани юзасидан эътирозларини билдирди.

Вазир кўтарилган барча саволларга атрофлича жавоб бериб, ҳар бир масала бўйича қатъий чора-тадбирларни маълум қилди. Депутатлар тизимда олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий қилишни янада кенгайтириш, сув ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларини ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда асосий мақсадли кўрсаткич ва индикаторларга эришиш чораларини кўриш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Мажлисда Сув ҳўжалиги вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди ва кун тартибидagi масала бўйича самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Энергия таъминоти барқарорлиги — устувор вазифа

Мажлисда Энергетика вазирини Ж. Мирзамаҳмудовнинг "Энергия таъминоти барқарорлигини таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодийтимиз ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда соҳага 35 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилди.

Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 млрд. киловатт-соатдан жорий йилда 85 млрд. киловатт-соатга етди. Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялар ишга туширилди.

Тақдим этилган ахборотга кўра, жорий йил январь — ноябрь ойлари давомида ёқилғи энергетика тармоғида жами 8,8 млрд. доллар хорижий инвестициялар, шундан электр энергетикаси бўйича 6,3 млрд. доллар, "яшил" энергия лойиҳаларига 4,7 млрд. доллар, нефть-газ соҳаси бўйича 2,5 млрд. доллар ўзлаштирилган.

Шу билан бирга, 2025 йилда умумий қиймати 40,5 млрд. долларлик 58 та йирик лойиҳа ишга туширилиши белгиланган. Улардан жами қуввати 1 413 МВт бўлган 5 та қуёш электр станцияси, қуввати 752 МВтга тенг 4 та шамол электр станцияси, қуввати 168 МВт бўлган 6 та гидроэлектр станцияси, қуввати 1167,3 МВтга тенг 3 та иссиқлик электр станцияси, қуввати 1 147 МВт бўлган 9 та энергия сақлаш қурилмаси ишга туширилади.

«Халқ сўзи».

Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришда аниқ чора-тадбирлар

Мажлисда Сув ҳўжалиги вазирини Ш. Ҳамроевнинг "Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурининг ижроси, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини Сув кодексига мувофиқлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси доирасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув ҳўжалиги объектилари муҳофазасини таъминлаш, сув етказиб беришда объектиларни модернизация қилиш ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ишларни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланган.

Ахборотда келтирилганидек, соҳани тартибга солишга қаратилган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун, Президентимизнинг 8 та Фармони, 14 та қарори ҳамда Ҳукуматнинг 26 та қароридаги нормаларни ўзида муҳассамлаштирган яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат — Сув кодекси қабул қилинди.

Сув кодексига аҳолини, иқтисодиёт тармоқларини ва экологик тизимларини сув билан барқарор таъминлаш, сувларни оқилона бошқариш ва муҳофаза этиш, сувга доир муносабатлар соҳасида иқтисодий механизмларни, шу



жумладан, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳамда соҳада давлатлараро ҳамкорликни таъминлаш каби муҳим масалалар белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида дарёлар ва сойларда 4 та гидрологик постни қуриш ва қайта тиклаш ҳамда рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган усунулар билан жиҳозлаш ишлари олиб боришган.

Мажлисда таъкидланганидек, ирригация ва мелиорация объектиларида ўтган давр мобайнида 564,9 км. узунликдаги каналларни, 26,9 км. лоток тармоқларини, 32 та гидротехник иншоотни, секундига 47,2 метр куб сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станцияларини, 3,9 км. босимли қувурларни, 45,8 км. ёпиқ сугориш қувурларини, 12,7 км. узунликдаги дамбаларни ҳамда 45 та сугориш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Мелиорация объектларини

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезитамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўёғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезита тахрират компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезитанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.20 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши